


12-28-2020

## MIRZO BEDIL'S WORKS AND JADID LITERATURE

Burkhon Abdulkhayrov Associate Professor, Candidate of Philological Sciences  
*Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering, Tashkent, Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Abdulkhayrov, Burkhon Associate Professor, Candidate of Philological Sciences (2020) "MIRZO BEDIL'S WORKS AND JADID LITERATURE," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 12.

DOI: 10.36078/987654461

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Бурхон Абдулхайров

Тошкент архитектура-курулиш институти доценти,  
филология фанлари номзоди

### МИРЗО БЕДИЛ ИЖОДИ ВА ЖАДИД АДАБИЁТИ

#### АННОТАЦИЯ

Мирзо Абдулкадир Бедил ўз ижоди билан XIX–XX аср ўзбек адабий муҳитига кучли таъсир ўтказган шоир ҳисобланади. Унинг асарлари ўзбек маърифатпарварлари, хусусан, ўзбек жадид зиёлилари томонидан кунт билан мутолаа қилинган. Бедил асарларини яхши ўқий олган ва мазмунини шарҳлаган шахсларга нисбатан “бедилхон” нисбаси берилган. Шунингдек, Бедил асарлари ўз даврида энг кўп ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган хаттотлар томонидан маҳорат билан кўчирилган ва бу хаттотларга “бедилнавис” нисбаси берилгани ҳам маълум. Мана шу юқорида қайд этилган ҳолатлар Бедил ижодининг ўзбек халқи орасида фавқуллодда машҳур бўлганлига далолатдир.

Булардан ташқари, ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти намояндalари ижодига ҳам Бедил ижодининг таъсири бўлган. Маълумки, Бедил Шарқ мумтоз адабиётида мазмунни янгилаган шоир ҳисобланади. У давр тақазосига кўра, салафларидан фарқли ўлароқ ғазал ва бошқа турдаги кўплаб асарларида ижтимоий масалаларни биринчи планга олиб чиққан. Чунки у яшаган давр ва муҳитда мусулмон жамияти чуқур инқирозга юз тутаётган ва бунинг оқибатида халқ бошига турли балою офатлар ёғилиши кутилаётган эди. Бу ҳолатдан эса чинакам инсон сифатида Бедил қаттиқ қайғурган, унинг бу қайғуришлари асарларига кўчган. Бедил ижодидаги бу ҳолат кейинроқ туркистонлик Амирий, Муқимий, Фурқат, Завкий сингари шоирлар ижодида ҳам қайд этила бошлаган. Зеро, номлари санаб ўтилган шоирлар ҳам ўз асарларида халқнинг дарди бўлган ўткир ижтимоий масалаларни юқори пардаларда тараннум этган эдилар. Бундай ўхшаш ҳолат сабаби-

## Burkhon Abdulkhayrov

Associate Professor, Candidate of Philological  
Sciences, Tashkent Institute of Architecture and Civil  
Engineering

### MIRZO BEDIL'S WORKS AND JADID LITERATURE

#### ABSTRACT

Mirzo Abdulkadir Bedil is a poet who had a strong influence on the Uzbek literary environment of the XIX-XX centuries. His works have been diligently read by Uzbek enlighteners, especially Uzbek Jadid intellectuals. Those who could read Bedil's works well and make comment on their content were given a "bedilkhan" name. It is also known that Bedil's works were skillfully copied by calligraphers who lived in the territory of modern Uzbekistan, and these calligraphers were given the status of "bedilnavis". These facts justify the fact that Bedil's work was extremely popular among the Uzbek people.

In addition, Bedil's work had an impact on the work of Uzbek national Renaissance literature. It is known that Bedil is a poet who renewed the content of the Eastern classical literature. He, in contrast to his predecessors, brought social issues to the forefront in his works and ghazals. Because of the time and environment in which he lived, the Muslim community was in deep crisis, and as a result, various calamities were expected to befall the people. Bedil, as a true human being, was deeply distressed by this situation, and his grief was transferred to his works. This case in Bedil's work was later noted in the works of Turkestan poets such as Amir, Mukimi, Furkat, Zavki, who also described the acute social problems of the people in their works. The reason for such a situation can be attributed to the fact that these poets were inspired by the ideas of Bedil.

The ideas reflected in Bedil's work have a strong influence on the work of modern Uzbek intellectuals. It can be said that the genesis of the idea of Jadidism goes back to Bedil's work,

ни эса мазкур шоирларнинг Бедил ғояларидан илҳомланлигида деб билиш мумкин.

Бедил ижодида акс этган ғоялар ўзбек жаҳид зиёлилари ижодига ҳам кучли таъсир ўтказди. Айтиш мумкинки, жаҳидчилик ғоясининг генизиси Бедил ижодига бориб тақалиши ҳам аини ҳақиқатдир. Чунки Бедил ҳам ўз даврида Ҳинд ўлкасидаги маънавий-маърифий соҳаларда илдиз отган мутаассиблик ва қоқликни ўз асарларида кескин танқид қилиб, бу масалада туб ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлган. Шоирнинг бу борадаги таълимот даражасига кўтарилган қарашлари кейинчалик унинг издошлари бўлган жаҳид ислохотчилари томонидан кучли эътироф этилганлигини кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган далилларни эътиборга олиб ушбу мақолада Бедил ижодининг ўзбек адабиёти, хусусан, жаҳид адабиётига таъсири масаласи Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Миён Бузрук сингари ўзбек жаҳид зиёлиларининг асарлари таҳлили мисолида ёритилди.

**Калит сўзлар:** ўзбек адабиёти, ўзбек жаҳид адабиёти, бедилхон, бедилнавис, генезис, мустамлакачилик, ғарб, неокOLONIALISM, бобурийлар, ижтимоий-сиёсий қараш, маънавий таназзул, эски мактаб, мадраса.

## КИРИШ

Манбаларда асли келиб чиқиши Шаҳрисабздан эканлиги қайд этиладиган Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1721) тақдир тақазосига кўра Ҳиндистонда туғилган ва шу ерда яшаб ижод этган бўлса-да, Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқи ўртасида асарлари билан фавқулодда машҳур бўлиб кетган эди. Унинг асарлари Туркистон мадраса ва мактабларида Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Навоий, Фузулий сингари буюк шоирлар асарлари қаторида ўқитилган, шунингдек, мударрислар ва талабалар тарафидан жуда катта қизиқиш билан мутолаа қилинган.

Мадраса, мактаб сингари таълим муассасаларидан ташқари чойхоналарда, хонадонларда саводхон кишилар тарафидан Бедил асарлари ўқилган ва бундай мажлислар “бедилхонлик” номи билан аталган. Бедил асарларини ўқиб, унинг маъносини шарҳлай оладиганлар эса “бедилхон” дея таърифланган. Бундан ташқари, Бедил асарлари энг кўп Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкент каби марказий шаҳарларда яшовчи “бедилнавис” хаттотлар тарафидан кўчирилганлиги ҳам Бедил ижодининг Туркистон халқи орасида нақадар манзур ва машҳур экан-

since he sharply criticized in his works the bigotry and backwardness that had taken root in the spiritual and enlightenment spheres of the Indian subcontinent of his time, and advocated radical reforms in this matter. It can be seen that the views of the poet, which rose to the level of doctrine in this regard, were later strongly recognized by the Jadid reformers who were his followers.

The following article discusses the effect of Bedil's work on the Uzbek literature, especially Jadid literature, based on the analysis of Uzbek Jadid intellectuals' works such as Ahmad Donish, Sadriddin Aini, Abdurauf Fitrat, Miyon Buzruk.

**Key words:** Uzbek literature, Uzbek Jadid literature, bedilkhan, bedilnavis, genesis, colonialism, west, neo-colonialism, baburis, socio-political view, spiritual decline, old school, madrasah.

лигига далилдир [Шукуров Ш., 1979; 9-10].

Ўзбек жаҳид адабиёти мазмун нуқтаи назаридан шарқ адабиётига мансуб саналади. Бу адабиётнинг генизисини тадқиқ қилганимизда уни энг кўп Бедил ижодидан ғоя ва илҳом олганлигига гувоҳ бўламиз. Буни ўзига яраша сабаблари бор эди. Масалан, Бедил яшаган Ҳиндистон ҳам худди Ўрта Осиё сингари ғарб мустамлакачилигига дучор бўлган. Фақат Ҳиндистондаги бу жараён Ўрта Осиёга нисбатан бир-икки аср олдин бошланган эди. Орадан бир-икки аср ўтиб эса Ўрта Осиё ҳам ғарб империализмининг бир қисми ҳисобланган Россия давлатининг мустамлакачилик хуружига учраган. Мана шундай вазиятда мустамлакачилик туфайли юзага келган маънавий изтиробларни ўзида акс эттирган Мирзо Бедил ижоди Ўрта Осиё зиёлиларига кучли таъсир ўтказгани табиийдир.

Бедил ижоди XX аср ўзбек олимлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилган. Чунончи, Садриддин Айний, Фитрат, Миён Бузрук, Е.Э.Бертельс, И.Мўминов, И.Низомиддинов, Ш.Шукуров сингари олимлар олиб борган тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижоди атрофлича тадқиқ этилган. Шу билан бирга, Бедил асарлари Шоислом Шомухамедов, Назармат, Матназар Абдулҳаким сингари таржимонлар тарафидан ўзбек тилига ўгирилган, бинобарин, бу шоир ижоди бугунги ўзбек китобхонларига бегона эмас.

Хўш, Ҳиндистонда туғилиб ўсган, бунинг устига ижоди тамомила фортожик тилида бўлган Бедил асарлари ўзбек халқи орасида бу қадар катта қизиқиш уйғотганлигига сабаб нима? Ушбу мақолада мана шу саволга баҳоли қудрат жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

## НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Тарихда жуда катта юксалишларни бошидан кечирган мусулмон Шарқи XVI–XVII асрларга келиб чуқур таназулга юз бурди. Бу ерларда марказлашган давлатларнинг парчаланиши оқибатида турли майда хонлик ва амирликлар вужудга келди ва улар ўртасида тожу-тахт учун кураш авж олди. Бу кураш асносида юз берган уруш ва жанжаллар жамият ҳаётининг тинка-мадорини қуритган, натижада бу ўлкаларда тушқун бир рух ҳукмрон эди. Мана шундай бир вазиятда “дард устига чипқон” дейилганидек тобора ривожланиб бораётган Ғарб бу ўлкаларга нисбатан ўзининг мустамлакачилик кўзини тика бошлайди. Натижада аҳвол янада оғир тус олади. Бу каби аҳволдан Ҳиндистон дея аталувчи ўлка ҳам мустасно эмас эди.

Дарҳақиқат, XVII аср бошларига келиб Ҳиндистонда Ғарб экспансиясининг дастлабки белгилари турли кўринишларда намоён бўла бошлаган. Бинобарин, бу даврда Ғарбнинг Ҳиндистонда савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи турли компаниялари ва сиёсий мақсадларни кўзловчи миссионерлик ташкилотлари ўз ишларини фаол йўлга қўйган эдилар. Бу ташкилотлар ўз мақсадларига эришганлари сайин маҳаллий халқ эрки ва озодлигидан тобора маҳрум бўла борган. Натижада бу ерда оғир ижтимоий аҳвол юзага келган. Бу эса инсон учун эрк ва озодлик ҳамма нарсадан устун деб билган жамиятнинг илғор зиёлиларини изтиробга солган. Ўша даврда Ҳиндистон, қолаверса, бутун мусулмон шарқининг

дарди қисматида уйғунлашган ва бу ҳолат ижодида юксак маҳорат билан акс этган шоир Мирзо Абдулқодир Бедилдир.

Мирзо Бедил ижоди кўпроқ фалсафий характерда бўлиб, унда, Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида юзага келган оғир аҳволга қарши курашиш ғояси акс этган. Агар диққат қилинса, Бедил асарларида Ҳиндистон жамиятида юзага келган оғир аҳволнинг икки, яъни ички ва ташқи сабаблари ифодаланганлигини кузатиш мумкин бўлади. Шундан ички сабабга тўхталадиган бўлсак, бу Ҳиндистондаги маҳаллий ҳукмдорларнинг жамиятни адолатсиз бошқариши билан боғлиқ бўлган.

Маълумки, Бедилнинг ёшлик йиллари Шохжаҳон салтанати замонида, баркамоллик йиллари Аврангзебнинг ярим асрлик ҳукмронлиги (1658–1707), кексалик йиллари эса Баҳодиршоҳ (1702–1712), Жаҳондоршоҳ (1712–1713), Фаррух ус-сияр (1713–1719), Муҳаммадшоҳ (1719–1748) салтанати даврида ўтган. Бу йиллар Ҳиндистон халқлари тарихида энг оғир йиллар саналиб, бобурий подшоҳлар, айниқса, Аврангзеб олиб борган сиёсат ниҳоятда мудҳиш эди [Шукуров Ш., 1979; 25]. Шоир бир рубойида бу давр учун нафақат моддий вайронагарчиликлар, балки вафодорлик, содиқлик сингари инсоний фазилатларнинг остин-устун бўлиб бораётгани ҳам хослигини айтган:

Умрест шикасти бому дар мебинам,  
Бунёди вафо зеру забар мебинам.  
Ҳар субҳки сар зи хоб бармедорам,  
Ошўби қиёмате дигар мебинам.

(Мазмуни: Бир умр иморатларни шикастланган ҳолда кўраман. Вафо ва адолат асосларини остин-устун кўраман. Тонг пайтида уйғонган чоғимда ўзгача қиёмат, тўс-тўполонни кўраман) [Шукуров Ш., 1979; 78].

Шоир яна бир байтида, ўзи яшаган даврда бераҳмлик авж олганлигидан зорланиб шундай дейди:

Бедил, аз ёрон касе бар ҳоли мо раҳме накард,  
Чашми ин номахрамон кўр аст ё пўшидаанд.

(Мазмуни: Бедил, дўстлардан бирор кишининг бизга раҳми келмади, бу бағритош одамларнинг кўзи ё кўр ёки қасддан юмилгандир) [Шукуров Ш., 1979, 32].

Табиийки, Ҳиндистон чуқур инкирозга юз буриши оқибатида маориф тизими ҳам эски ҳолида қотиб, яроқсиз аҳволга келиб қолган, мударрислар ичида эса мутаассиблик авж олган эди. Бедил бу ҳақда шундай ёзади:

Дар мадраса хомўши чароғаст имрўз,  
Оташкадаи хурўши доғаст имрўз.  
Мулло дар беҳаёи дуданке задаст,  
Ҳангоми ҳумоғ бедумоғаст имрўз [Мўминов И., 1953; 30].

*Таржимаси:*

Ўчмишдир мадраса чироғи бул кун,  
Қайнар бемаънилик булоғи бул кун.  
Беҳаёлик эшигин қоқмоқда мулло,  
Кўп баланд нодонлик димоғи бул кун [Мирзо Бедил, 1974; 76].

Энди ташқи сабаб ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у Ғарб давлатларининг Ҳиндистонга нисбатан олиб бораётган мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ бўлган. Маълумки, Бедил Ҳинд ўлкаси европаликлар томонидан саноят маҳсулотлари бозорига айлантирилиши оқибатида маҳаллий ишлаб чиқариш касодга учраб, аҳоли турмуш тарзи тобора ночорлашиб бораётган бир шароитда яшаб ижод этган. Ана шу ҳолни кўриб ачинган Бедил ғазалларидан бирида бундай деб ёзган:

Аз ин қаламрави ҳайрат чи мумкин аст раҳой,  
Магар касе қадам иншо кунад зи рангу гурезад.  
Зи унс тарф набастам ба қайди олами сурат,  
Чу мўъмине, ки дилаш гирад аз фарангу гурезад...  
Рамиданист зи шўри замона рў ба қафоям,  
Чу кўдаке, ки касеро занад ба сангу гурезад.

(Мазмуни: Ушбу таажжубланарлик ўлкадан киши бир амаллаб қутула оладими? Мен борлиқ оламининг бирор томони билан дўст бўлолмадим. Фаранг (овруполик)дан кўнгли қолган мусулмондек ўзимни ола қочдим, замона офатларидан безиллаган кимсадай қочиш лозимдир. Тош билан итни уриб қочган болани кўрганмисиз? Мен ҳам шу йўсинда қочгим келади) [Шукуров Ш., 1979; 76].

Маълумки, Европа савдогарлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Ҳиндистонга кофе олиб келиб, уни сотиш ва фойда кўриш учун бу ерда кўпгина қаҳвахоналар ташкил этганлар. Шу муносабат билан Бедил қуйидаги рубойни ёзган:

Кайфияти қаҳва к-аз жаҳони савдост,  
Дар ҳар сараш афсонаи чандин ғавғост.  
Рангу таъму ҳаловаташ доғам кард,  
Ин шарбати хонаҳои мотам чи балост?

(Мазмуни: Кофени тожирлар фойда олиш учун олиб келдилар. Қаерда қаҳвахоналарни учратманг, у жойларда тўс-тўполондир. Унинг туси, таъми ва ҳаловати менинг роҳатимни бузди. Бу мотам хоналарининг шарбати қайси гўрдан пайдо бўлди!?) [Шукуров Ш., 1979; 76].

Ушбу рубойни Бедилнинг қаҳвани ёқтирмаслиги деб тушуниш хато бўлади. Чунки Бедил бу ерда қаҳва муносабати билан европаликларнинг бу ерларни босиб олиш учун келганликларига, уларнинг ўз манфаатлари йўлида

қилаётган ишлари ҳиндистонликлар тинчини бузаётганлигига ишора қилмоқда.

Хуллас, Бедил ижодида бу каби ижтимоий ноҳақликларга қарши муносабат билдириш жуда кўп учрайди. Бедил ноҳақликка фақат муносабат билдириш билан чекланиб қолмасдан, балки бундай қийин вазиятда инсон ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида ҳам жуда кўп мушоҳадалар юритган. У кишиларни саботли бўлиш, ёмонликка қарши ички ирода билан қарши туриш, шу йўл билан уни енгишга чорлайди. Қуйидаги парчада худди шу ҳақда сўз боради:

Золим пўшад либоси хунбофтаро,  
То зер кунад хасми забун ёфтаро.  
Бо сангдилон шиори худ сахти кун!  
Бардор ба оҳан оҳани тофтаро.

(Мазмуни: Золимлар, жафо етказувчилар кучсиз ва мададсиз рақибларини қул қилиш ва уларни ўзларига бўйсундириш учун қондан тикилган тўн киядилар. Бағри тош кишиларга даҳшат солиш сенинг шиоринг бўлсин. Чўғ темирни темир омбир билан ол) [Мўминов И., 1953; 30].

Қуйидаги рубойда эса у халқ бошига ёғилган балою офатларни баргараф этиш учун кишиларни бирлашишга чорлайди:

Ёрон ба вифоқ агар қадам мешкананд,  
Жайши арабу сафи ажам мешкананд.  
Аз қудрати иттифоқ, ғофил нашави,  
Дандонҳо сангро баҳам мешкананд [Мўминов И., 1953; 83].

*Таржимаси:*

Дўстлар иттифоқда ташласак қадам,  
Синар ҳар босқинчи – арабми-ажам.  
Иттифоқ кучидан бўлмангиз ғофил,  
Тиш тошни синдираб бирлашгани дам [Мирзо Бедил, 1974; 6].

Хуллас, Бедил ўзигача бўлган шарқ мумтоз шеърлятида мазмунни янгилади. Чунончи, Бедилгача кўпроқ, ишқ-муҳаббат, кайф-сафо шеърлятда пафос ўлароқ етакчилик қилган бўлса, Бедил шеърлятида эса ижтимоий-сиёсий масалалар асосий ўринга олиб чиқилди. Бу, албатта, кучли ҳаётий эҳтиёжга кўра бўлган. Бедилнинг бир ғазали қуйидаги байт билан бошланади:

Бамехри модари гети бикаш ранжу умед инжо,  
Ки ўро хун хурад, то шир бувад ҳосил, сафед инжо.

*Таржимаси:*

Онанг борликни деб дард чек, умед эт, торт фиғон бунда,

Сутин оқ айламак-чун ул ютар ҳар лаҳза қон бунда [Мирзо Бедил, 2011; 12].

Бедил бошқа бир байтида ижтимоий ҳаёт иллатларини баргараф этиш ўзининг асосий мақсади эканлигини айтади:

Вазъи ҳамвори зи абнои замон матлуби мост,  
Одамизод гар набошад, ҳар ки хоҳад ҳар шавад.

(Мазмуни: Ижтимоий ҳаёт иллатларини баргараф этиш бизнинг муддаомиздир, ҳар ким чин инсон бўлишни хоҳламас экан, эшаклигича қолаверсин) [Шукуров Ш., 1979; 38].

Бинобарин, Бедил XVII–XVIII асрларда Ҳиндистонда юзага келган оғир ижтимоий аҳволга қарши курашиш борасида ўзининг фалсафий, афоризмларга бой таълимотини яратган эди. Бу – бедилизм [Бертельс Е.Э., 1945; 122]. Мана шунинг учун ҳам унинг ижоди кўнглида ватанпарварлик ҳисси бор бўлган кишиларни бефарқ қолдирмаган. Бундан Ўрта Осиё зиёлилари ҳам мустасно эмас.

Бедил ижоди унинг ҳаётлик пайтида ва вафот этганидан бир оз ўтиб Ўрта Осиёга тарқала бошлаган [Низомиддинов И., 1970; 24]. Кўпчилик тадқиқотчилар Бедил асарларининг Ўрта Осиёга жуда тез тарқалишини бу икки минтақанинг тарихан ўзаро жуда яқин маданий ва ижтимоий-сиёсий алоқалари билан изоҳлайдилар. Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда эътиборимизни яна бир омилга қаратмоқчимиз. У ҳам бўлса XVII аср иккинчи ярми – XVIII аср Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий вазияти билан XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий вазиятининг ўхшашлигидир.

Дарҳақиқат, чуқур инкироз гирдобига тортилган Ўрта Осиё ҳам XIX аср иккинчи ярмидан кейин худди Ҳиндистон Европа томонидан мустамлакачилик хуружига дучор этилгани сингари Россиянинг босқинчилик таҳдидига учрайди. Бунинг оқибатида бу минтақада ҳам оғир ижтимоий аҳвол юзага келади. Халқ сиёсий эрк ва ҳуқуқларидан маҳрум бўлиш хавфи билан рўбарў келади. Чунончи, ушбу ҳолат бу ерда ҳам халқнинг виждони саналган зиёлиларни изтиробга сола бошлайди. Мана шундай бир вазиятда Бедил асарлари уларга бошқа бир муҳитдан етган дардқаш бир мужда каби таъсир қилган. Бизнингча, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Хива сингари марказий шаҳарларда Бедил асарларини ўқиш, шарҳлашга бўлган жуда катта қизиқишнинг бош сабаби мана шунда эди. Айтиш мумкинки, Мунис, Турди Фароғий, Нодира, Мухйи, Фурқат, Муқимий, Завкий, Алмайи, Сидқий-Хондайлиқий, Камий, Ҳазиний сингари жуда кўп ўзбек маърифатпарварлик адабиёти намояндалари ижодига Бедил асарлари ғоявий жиҳатдан таъсир кўрсатган.

## **БЕДИЛ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК ЖАДИД АДАБИЁТИГА ҒОЯВИЙ ТАЪСИРИ**

Бедил ижоди нафақат маърифатпарварлик адабиёти намояндалари ижоди-



га, балки ундан кейин майдонга келган жадид адабиётига ҳам таъсир ўтказган.

Жадидчилик, унинг адабиёти тарихини ўрганиш масаласида катта эътиборни XIX аср ўрталари Бухоро адабий муҳитига қаратиш лозим бўлади. Чунки айнан Бухорода мана шу даврда кейинчалик “жадид” деб аталган адабиётнинг пайдо бўлишига олиб келган ҳаракат кўзга ташлана бошлаган. Унинг марказида Аҳмад Калла лақаби билан машҳур бўлган Аҳмад Дониш (1818–1897) турган. Бу ҳақда Садриддин Айний шундай ёзади: “Мана шу чоқларда қоронғу кечаларнинг охирларида йилтиллаб туққан тонг юлдузидек, Бухоронинг қоронғу уфқларидан бир юлдуз чикди. Ушбу юлдуз Аҳмад Калла деб машҳур бўлган Аҳмад Махдум муҳандиси Дониш эди” [Айний С., 1926; 25].

Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ” асарида илк бор яроқсиз аҳволга келиб қолган тузумни ислоҳ қилиш тўғрисида фикрлар баён этилган. Шунинг учун унинг бу асари кейинчалик Бухоро жадидчилигининг намояндалари бўлиб етишган С.Айний, А.Фитратларга кучли таъсир ўтказган. Бу ҳақда С.Айний эсдаликларида шу сўзларни ўқиймиз: “Бу мадрасаларда турган вақтларда менинг дарс ўқишим, айниқса, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ” асари билан танишганимдан сўнг, анча сусайди. Дарсхонадаги дарсларни бефойда нарсалар ва уларга кетадиган вақтни беҳуда ўтадиган фурсат деб ҳисоблардим. Аммо расмият юзасидан бирон китобни кўтариб олиб, дарсхоналарга қатнардим ва дўстларим орасида Бухоро дарсхоналарининг программасини ўзгартириш лозимлигини гапирардим” [Айний С., 1978; 178-179].

Яна шу муаллиф “Наводир ул-вақоеъ” таъсирида ўзининг онгида кечган ўзгаришларни гапира туриб, куйидаги характерли фикрни айтган: “Бироқ “Наводир ул-вақоеъ” мундарижасидан ҳаётдаги таҳликали аҳволнинг реал тасвирини худди ўзим турмушда тасаввур этганимдай кўрганимда, менда бошқача ҳолат рўй берди. Дилимда айтдим: “Бу аҳволни тузатмоқ лозим, агар мен тузата олмас эканман, ундан нафратланишим зарур. Шу вақтда менда инқилобий онг уйғона бошлади” [Айний С., 1978; 155].

Шу ўринда хўш, кишилар онгини ўзгартириш даражасидаги бу каби ғоялар “Наводир ул-вақоеъ”га қаердан ўтган? деган савол туғилади. Бу саволга ҳам жавоб топиш учун яна ўша С.Айний эсдаликларига мурожаат қиламиз. С.Айний ёзади: “XIX асрда Бухоронинг ёзувчи ва мутафаккир шоири Аҳмад Дониш (вафоти – 1897) Бедилни жуда севар ва унинг баъзи бир мушкул нарсаларини шарҳлар эди. Лекин ўзи назмда ҳам, насрда ҳам Бедил услубига тақлид қилмас эди ва ўз ҳамсуҳбатларининг ҳам унга тақлид қилишларини манъ этиб, ҳазил йўли билан айтар эди: “Бедил пайғамбар, мўъжиза яратишни пайғамбар ихтиёрига қўйиш керак. Сизлар валий бўлиб, каромат кўрсатсаларинг ҳам етарли” [Айний С., 1978; 156].

Бедилшунос Ш.Шукуровнинг қайд этишича, Аҳмад Дониш қаламига мансуб “Наводир ул-вақоеъ” асарининг бир боби моҳият эътиборига қўра, Бедил лирик меросининг шарҳ-изоҳига бағишланган [Шукуров Ш., 1979; 97].

Дарҳақиқат, Аҳмад Дониш ёшлик йилларидаёқ Бедил асарларини мутолаа қилиш ва унинг асарларини кўчириш билан шуғулланган. Бедил асарлари-

нинг Аҳмад Дониш томонидан кўчирилган қўлёзмаларининг бир нечта нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Улар орасида инвентар рақами 2898-1 бўлган қўлёзмадаги кўпгина рубоийларга Дониш томонидан шарҳ-изоҳ берилганлиги маълум. Бедилшунос Ш.Шукуровнинг қайд этишича, Аҳмад Донишнинг Бедил асарларига берган бу изоҳ-комментариялари жаҳон бедилшунослик фанида ягона бўлиб қолмоқда [Шукуров Ш., 1979; 98].

## **БЕДИЛ ИЖОДИ ҲАҚИДАГИ МУНОЗАРАЛАРНИНГ ЖАДИД МАТБУОТИДА ЁРИТИЛИШИ**

Маълумки, XX аср бошларидан эътиборан Оренбург шаҳрида нашр этила бошлаган “Шўро” журнали Ўзбекистонда ҳам зўр қизиқиш билан ўқилар эди. Мана шу журнал 1910 йил 24-сонида [Шўро, 24-сон] карманалик Баҳромбек Давлатшоевнинг: Бедил таржимаи ҳоли ҳақида “Шўро”да мақола эълон этилишини сўраб ёзган илтимоси ва унинг бу илтимосига: “Европалик шарқшунослар ёрдам бермасалар, бизнинг бу шоир ҳақида таржимаи ҳол ёзиш қўлимиздан келармикан” қабилида ёзган мулоҳазаси берилади [Шўро, 24-сон]. Буни ўқиб Истанбулда таҳсил олаётган татар зиёлиси Олимжон ул-Идрис жавоб ёзишга ҳаракат қилади. Унинг бу жавоб мақоласи “Шўро”нинг 1911 йил 6-сонида босилади. Олимжон ул-Идрис бу мақолада Бедил ҳақида маълумот бериб: “Бедил тахаллуси билан машҳур шоирнинг асл исми Абдулқодир бўлиб, “Қомус ул-аълум”нинг 2-жилди, 1428 саҳифасида у ҳақида маълумот берилган”лигини айтади ва ўз мақоласида ўша маълумотларни қайд этиш билан кифояланади. Афсуски, “Қомус ул-аълум”даги Бедил ҳақида берилган маълумотларнинг кўпчилиги янглиш ва мужмал бўлган.

Мазкур мақоладан бир оз ўтиб, яъни журналнинг 1911 йил 1 июн сонида Хивадаги Қутлуқ Мурод Иноқ мадрасасининг толиби Қори Али Акбар Нўғоевнинг “Мирзо Бедил хусусида (Олимжон ул-Идрисий афандийа очик хат)” сарлавҳали жавоб мақоласи босилади [Шўро, 24-сон]. Унда Қори Али Акбар Нўғоев Олимжон ул-Идрисий даъвосининг номаъқул эканлигини таъкидлайди ва далиллар келтириб унинг фикрларига эътироз билдиради. Жумладан, у Олимжон ул-Идрис мақоласидаги “Мирзо Абдулқодир Бедил 977 йили таваллуд топиб, 1015 йили тахтга чиққан Жаҳонгиршоҳнинг замонида етишмиш”, дейилгани ҳолда, кейинидан “Учинчи аср бошларида вафот этиб, Дехлида дафн этилган” сингари бир-бирини тасдиқламайдиган маълумотлар борлигини танқид қилади.

Орадан бир оз ўтиб, “Шўро” журналининг 1912 йил 15 январь 2-сонида Олимжон ул-Идриснинг “Яна “Мирзо Бедил ҳақинда” номли мақоласи эълон қилинади. Олимжон ул-Идрис бу мақолада, асосан, Али Акбар Нўғоевнинг унга нисбатан айтган танқидларига жавоб берган. У ўзининг баъзи билиб-билмай айтган гапларини тан олгани ҳолда, Нўғоевнинг ўзи танимаган-билмаган кишисига аччиқ сўзлар айтишини нотўғри ҳисоблаган. Шундан кейин у ўзининг биринчи мақоласида Бедил ҳақида айтган нотўғри маълумотларини тўғриламақчи эканини ва бунга Бухоро мадрасасида ўқиган пайтида танишган дўсти Садриддин Айний ёрданидан фойдаланганини айтиб, унга ташаккур билдирган.

Дарҳақиқат, Олимжон ул-Идрис “Шўро”да Бедил ҳақидаги биринчи мухта-

сар мақоласини ёзганидан кейин Бухорога – Садриддин Айнийга мактуб йўллаб, Бедил ҳақида муфассал ёзиб юборишини сўраган эди. Садриддин Айний эса ўз вақтида Олимжон-ул Идрис хатига жавоб ёзган. Олимжон ул-Идрис Садриддин Айнийнинг унга ёзган жавоб мактубини 1911 йил 3 мартда олган. Садриддин Айнийнинг Бедил ҳақида муфассал маълумот берувчи мазкур мактуб-мақоласи форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, Олимжон ул-Идрис Айнийнинг бу мақоласини татриччага ўгириб, “Шўро”да бостирган. Шундай қилиб, Бедил асарлари ҳақидаги мулоҳазалар илк бор жадид матбуотига шу йўсинда кириб келган.

Шундан кейин, 1919 йили Фитрат “Бедил” деб номланган бадиҳа ёзади. Ушбу бадиҳада Фитрат асосан Бедилнинг ижтимоий масалалар ҳақидаги фикрларини мушоҳадага тортган. У бухороликларнинг ўз турмуш тарзларини яхшилаш учун, аввало, фикрларини ўзгартиришлари лозим деб ҳисоблайди ва ўзининг бу қарашини Бедил асарларидан келтирилган мисоллар орқали асослашга ҳаракат қилади [Фитрат, 1996].

Тошкент жадидчилигининг намояндаларидан бўлган Миён Бузрук ҳам “Бедил” деб номланган мақола ёзган ва унинг бу мақоласи 1927 йилда “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 10-сонида босилиб чиқади [Миён Бузрук, 1928; 38-42]. Бу мақолада ҳам асосан, Бедилнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари тадқиқ этишга ҳаракат қилинган.

## ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, ўтган асрнинг 40-70-йилларида С.Айний, Е.Э.Бертельс, И.Мўминов, Ш.Шукуров сингари олимлар Мирзо Бедил ижодини, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини тадқиқ этишди. Бироқ бу йилларда маърифатпарварлик ҳамда жадид адабиёти тўғрисида ҳолис фикр айтиш имкони бўлмаганлиги сабабли Бедил ижодининг бу давр адабий ҳаракатчилиги билан боғлиқ жиҳатлари етарлича очиб берилмади.

Мирзо Бедил ижоди XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошига келиб, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда вужудга келган маърифатпарварлик ва жадид адабиётига ғоявий жиҳатдан таъсир кўрсатган. Чунончи, XIX аср иккинчи ярмида ёзилган Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ” ва XX асрнинг 10-йилларида ёзилган Фитрат (“Раҳбари нажот”, “Сайёҳи ҳинди”, “Мунозара”) асарларига ҳам Бедилнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари таъсири бўлганлиги шубҳасиздир.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Ayniy S. Buxoro inqilobi tarixi uchun materiallar. –M.: SSSR xalqlarining markaziy nashriyoti, 1926. – B. 25. (matn arab alifbosida).
2. Ayniy S. Esdaliklar. 7-tom. – B. 178-179.
3. Bertels Ye. E. Bedil haqida mulohazalar//“Zafar” adabiy almanaxi, 1945 yil, –B. 122.
4. Mirzo Bedil. Ruboiylar. Sh.Shomammedov tarjimasini. Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1974. –B. 76.
5. Mirzo Abdulqodir Bedil. Hayrat oyinasi. Toshkent, 2011. –B. 12.
6. Mo‘minov I. Mirza Bedilning falsafiy qarashlari. Toshkent: O‘zbekiston Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1953. –B. 30.
7. Miyon Buzruk. Bedil / Maorif va o‘qitg‘uchi, 1928. № 1–2. –B. 38–42.

8. Nizomiddinov I. Mirzo Abdulqodir Bedil. Toshkent: O'zbekiston KP Markaziy kometitining nashriyoti, 1970. –B. 24.
9. Sanaev I. Ma'rifat fidoyisi Tarjimon / O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2001 yil 1 iyun. №22 (3612).
10. Fitrat. Bedil (Bir majlisda). Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1996 yil.
11. Sho'ro, 1910 yil, 24-son. O'zR FA, Sharqshunoslik instituti, inv. №8753. –B. 720.
12. Shukurov Sh. Mirzo Bedilning poetik merosi. Toshkent: Fan, 1979. –B. 9–10.

## REFERENCES

1. Ayni S. Materials for the history of the Bukhara revolution. –M.: Central Publishing House of the Peoples of the USSR, 1926. Page 25 (text in the Arabic alphabet).
2. The same S. Memoirs. Volume 7. Pages 178–179.
3. Bertels Ye. Comments on E. Bedil // Literary almanac "Zafar", 1945.
4. Mirzo Bedil. The Rubaiyat. Translated by Sh. Shomammedov. Tashkent: G. Gulom Publishing House of Literature and Art, 1974, 76 pages.
5. Mirzo Abdulqadir Bedil. Mirror of wonder. Tashkent, 2011. Page 12.
6. Muminov I. Mirza Bedil's philosophical views. Tashkent: Academy of Sciences of Uzbekistan Publishing House, 1953.
7. Miyon Buzruk. Bedil / Education and Teacher, 1928. № 1-2. Pages 38–42.
8. Nizomiddinov I. Mirzo Abdulkadir Bedil. Tashkent: Publishing House of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan, 1970.
9. Sanaev I. Devotion to Enlightenment Translator / Literature and Art of Uzbekistan, June 1, 2001. №22 (3612).
10. Fitrat. Bedil (In a meeting). Tashkent: Abdulla Qodiri National Heritage Publishing House, 1996.
11. Council, 1910, No. 24. Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Institute of Oriental Studies, inv. №8753. Page 720.
12. Shukurov Sh. The poetic legacy of Mirzo Bedil. Tashkent: Fan, 1979. Pages 9–10.